

Бўлажак ҳожилар билан илмий суҳбатлар Маккада давом этмоқда



17:30 / 10.06.2023 738

Шу кунларда Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси ўринбосари Жалолиддин домла Ҳамроқулов Макка шаҳрида бўлиб турган Тошкент шаҳри, Тошкент ва Сирдарё вилоятлари зиёратчилар билан суҳбат ўтказиб, ҳаж аҳкомлари ва ҳожилик одоблари ҳақида мавъиза қилиб берди.

Мулоқотлар аввалида Қуръони Карим оятлари тиловат қилиниб, ҳаж сафари муваффақиятли ўтишини тилаб, дуолар қилинди.

Жалолиддин домла сўзларида Макка ва Мадина шаҳарларини зиёрат қилиш улкан саодат экани, бу улўф шаҳарларда Расул алайҳиссалом юрганлари, Ислом тарихидаги муҳим воқеалар содир бўлгани, ҳаж улўф ибодатлиги, бундай шарафга етказаетгани учун Аллоҳ таолога шукрона келтириш, ҳар бир зиёратчи ҳожилик мақомига етишиш йўлида юксак ихлос, гўзал одоб билан ҳаракат қилиши зарурлигини алоҳида қайд этдилар.

Суҳбатлар якунида зиёратчиларнинг қизиқтирган саволларига жавоб берилди.





Ўзбекистон мусулмонлари идораси Матбуот хизмати